

Ислом маданияти тарихининг олтунли, юлдузли япроглариндан буюк бир кисми, шубха йўқдирким, турклар тўғрисида ёзилгондир.

Юнондан Румога, Ўбадан Константаняга кўчиб келгандан кейин таъсир этиб, таассублари тарафиндан кўл-оёғи боғланиб колгон маданият билан улум ва фунун, Багдод салтанатининг эгалари бўлгон аббосийлар тарафиндан тургизилди ва тарбият кўрди.

Ул чоғларда ер юзини баҳри мухаббат кабирлари каби коплагон аббосийлар салтанати ёлгузгина сиёсат тенгизи эмас, улум ва фунун тенгизи ҳам эди.

Аббосий салтанати нифок, низо, ахлоксизлик, гурур, исроф ва зулм каби кўб ижти-мой касалларга тутулиб ўлгандан кейин унинг меросини яна ислом сиёсати билан ислом маданиятини ўз кўлларига олиб турклар сакладилар. Аббосийлардан сўнг улуг-рок ислом салтанатларини турклар курдилар. Аббосийлар кўлиндан чикиб янаэгасиз кола бошлагон маданиятни турклар асрадилар.

Бизнинг Туркистонимиз эса мана шул буюк турк улусининг бешиги бўлмоғи билан ифтихор киладир. Ёлғиз шуми?.. Аббосийлардан сўнг ислом салтанатига коровуллик килгон турк хоконларининг охири ва улуглариндан бўлгон Темур янглиг турк кахрамо-нини Туркистон етиштирди. Яна аббосийлардан кейин «маданияти башария»ни бошла-ри узра кўтарган турк олимларининг каттаконлари бўлгон Абу Али, Улугбек, Жавҳарий ва Форобий каби хикмат тиракларини Туркистон чикарди.

Афлотунлар чоғинда Афина, Румо салтанатинда Румо, аббосийлар хулофотинда-Багдод канча тараккий килгон бўлса, Темур ва Улугбеклар замонида Самарканд шунча тараккий килгон эди.

Бир кишининг мясига чоғирнинг кандай таъсири бор эса бир миллатнинг мясига дахи салтанат ва маданият ичгусининг шундайин таъсири бордир. Салтанат, бойлик ва маданият ичгулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст этди, кўлимиздаги салтанат киличи билан маданият дафтарини бир ёнда кўйиб сафоат чолгуларини олдик. Урдик, чопдик, ичдик, йикилдик, ёндик ва шунлар учун бир-биримиз билан уришдик...

Мана шул чоғларда эди ким: Русия давлати бизнинг ўлжаларимизни келиб босди. Ортук биз Туркистон турклари Оврупо маданияти ташигувчи бўлгон рус миллатига йўликгон бўлдик. Маданий руслар билан котишиб унларнинг далолати билан Оврупонинг маданий ва ижтимоий усуллариндан таъсир олмоғимиз керак эди.

Шуни ҳам айтиб ўтайлуқким, мундай бйр таъсирни рус миллатининг авом табака-синдан олмоғи(ми)з мумкин эмас эди. Чунки бизнинг авомимиз унлардан юз маротаба маданийрок эдилар (хозир ҳам шундай). Русларнинг ўкугон, тарбияли кисмлариндан социализм ва кардошлик маслакинда юргонлар ҳам императорлик хукумати тарафин-дан кувилиб, кисилиб тургонлари учун бизга бирор таъсир кўёлмас эдилар.

Колди рус миллатчилари, рус бойлари ва рус пўплари билан шунларнинг коровули бўлгон император хукумати. Биз туркистонлилар ёлғиз шунларнинг кўлинда колдик. Не кўрган бўлсак, шунлардан кўрдик.

Энди кўрайлик кани шунлар бизнинг тараккийимиз ва Оврупо маданиятидан таъсир олмоғимиз йўлинда бирор иш килдилар ёхуд килмокчи бўлдиларми?!

Рус капиталистлари билан рус пўпларининг содик ва ишончли коровуллари бўлгон эски Русия хукумати элли(к) йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдалари-га бирор иш кўрдими, кўрмокчи бўлдими?

Мана шул саволга — «йўк!»дан бошка бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз: элли(к) йиллик бир идорайи аскарийа остида турдиги ўчун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, унларнинг ижтимоий ва иктисодий фикрлариндан истифода килолмадик. Бизнинг кўзларимизни очдурмаслик учун фикри очик татар кариндошларимизнинг дахи Туркистондан ер олмок ва Туркистонда мактаб очмоклари манъ этилди.

Бизнинг диний ва миллий хиссиётларимизни ўлдирмак тилаги билан Ўстраумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газита чикарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни онглатмок учун ўз тарафимиздан очилгон мактаблар ва газиталар боғланди, шаръий махкамаларимизнинг ҳукук ва салохиятларидан буюк бир кисми гасб этилди. Махкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, хатто вагон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳукуки Туркистон мусофири бўлгон рус ва арманидан тубанда тутилди.

Бухоро ва Хива ҳукуматларининг дохийий истиклолларига, миллий номусларига турли бахоналар билан тажовузлар килинди. Бу икки ҳукумат ўз ўлкаларинда ўз ҳукм-ларини юрутолмас бўлдилар. Мамлакат ва миллат коидаларига бу икки ҳукумат тарафиндан сира бирон ҳаракат содир бўлгонда ҳам неча кизгин нўталар ва золимона таҳкир билан йўллари олинди.

Элли(к) йилда(н) бери шундайин ҳаксизликлар ва зулмлар орасида бўғулиб келган Туркистон бу кун ўз мухториятини эълон килди. Хўкандда ижтимоъ этган Туркистоннинг тўртинчи курултойи ўз баённомасинда «федератса асосига курулгон Русия жумҳурияти ила бирликда колгони холда Туркистон мухторияти» деган сўзни ёзиб Рус ҳукуматига содик колдигини билдурди.

Шунинг ила баробар «Туркистонда ақолият ташкил килгон миллатларнинг ҳукукларининг ҳар жихатдан сакланмогини ҳам тантанали суратда» эълон этилиб, адолат байрогин кўтарди.

Элли(к) йилдан бери шунча зулм орасинда колгон Туркистон бу кун ўз мухториятини шунча адолат ва садокат билан эълон килибдур. Билмадик нечундирким, ҳозирда иш бошинда тургон адолатчи большевиклар муни қабул килмай турайлар!..

Абдурауф Фитрат

«Хуррият» рўзномаси, 1917 йил, 63—64-сонлар